



O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

• 2013-yil, 10-oktabr. Payshanba • 121 (31.711)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

”

Навоий вилоятида ЎзХДПнинг 17 мингдан зиёд аъзоси 439 та бошланғич партия ташкилотига бирлашган. Улар вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, электорат манфаатларини ҳимоялаш ишларида фаол иштирок этиб келмоқда.

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!



Навоий вилояти:

БУНЁДКОРЛИК ВА ОБОДЛИК ФАСЛИ

2

Пахта — тўқимачилик саноати учун энг зарур хомашё. Ёза ўсимлиги алоҳида парвариш билан бирга, етарлича қуёш нуруни ҳам талаб қилади. Бинобарин, пахтанинг сифати ҳам, унга бўлган талаб ҳам айнан шу омилларга боғлиқдир. Шу боис жаҳонда пахта экспорт қиладиган кам сонли мамлакатлардан бири бўлган Ўзбекистон халқаро сифат стандартига мувофиқ пахта толасини таснифлаш ва сертификатлаш бўйича ягона миллий тизимни жорий қилди.

Ўзбекистон пахтасига талаб ортимоқда

Бизнинг деҳқонларимиз етиштирадиган пахта жаҳон бозорида ўзининг юқори сифати, пишиқлиги, юксак техника кўрсаткичлари ва замонавий тўқимачилик саноати талабларига тўла жавоб бериши билан машхур. Буларнинг барчасига Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида соҳани ислоҳ қилиш, янги технологияларни жорий этиш асосида юқори сифатли пахта толаси олиш, уни сотишда бозор иқтисодиёти тамойиллари ва механизмларидан кенг фойдаланиш эъзизга эришилди. «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази томонидан тола таснифлаш тизимининг тақомиллаштирилганлигини унинг сифатини оширишга хизмат қилмоқда.



2001 йилда ташкил қилинган ушбу марказ фаолияти ишлаб чиқарувчиларга ҳам, харидорларга ҳам боғлиқ эмас. Пахта бўйича халқаро маслаҳат кўмитаси ва Бремен пахта ассоциацияси аъзоси бўлган «Сифат» маркази пахта сифатини баҳолашда халқаро амалиётда қабул қилинган талаб ва стандартларга амал қилмоқда. Унинг ўн учта ҳудудий лабораторияси мамлакатимиз пахта тозалаш корхоналарида тайёрланган маҳсулотлар учун мувофиқлик сертификатини беради. Пахта толаси сифатини аниқ баҳолашни таъминлаш мақсадида марказ томонидан ISO 9001 сифат менежменти тизими жорий этилган.

3

Мен сиёсий ҳаёт, сиёсий жараёнларга жуда қизиқаман. Бу йил «ЎзХДПда Ёш сиёсатчи — 2013» танловида иштирок этдим. Очиги, танловнинг республика босқичига етиб келишнинг ўзи осон бўлмоди. Шаҳар ва вилоят босқичида иштирок этганимда, тенгдошларим орасида билимдонлар жуда кўплигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

«Ёш сиёсатчи» танлови

юзлаб янги лойиҳалар ишлаб чиқилишига туртки бермоқда

Улар билан рақобатлашиш учун жиддий тайёргарлик кўриш, билимларимни янада мустаҳкамлашга тўғри келди. Айниқса, амалга оширилётган ислохотлар мазмун-моҳияти билан чуқурроқ танишдим, сиёсий жараёнларни,

мушоҳада қилдим. Умуман, танловнинг мен учун аҳамияти, ёш сиёсатчи сифатида шаклланишимга хизмат қиладиган жиҳатлари кўп бўлди.

Айни пайтда алоҳида экологик маданиятини шакллантириш масалалари бўйича илмий изланиш олиб бораёяман. Бу масала жуда долзарб. Танловда ҳам шунга оид лойиҳам билан иштирок этдим. У пластмасса, полиэтилен чиқиндиларидан иккиламчи маҳсулотлар

ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдан иборат. Лойиҳани тўлиқ амалга ошириш учун уни янада тақомиллаштириш устида ишлаяман.

Бундай лойиҳалар чиқиндиларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтиришга, сифатли ва арзон иккиламчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига хизмат қилади. Ёш сиёсатчи кўрик танлови эса юзлаб ана шундай лойиҳалар яратилишига туртки беради, деб ўйлайман.

Суннатилло БОЗОРБОВЕВ,
ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Сурхондарё вилояти бўлими фаоли.

Меҳр-оқибат, аҳиллик ва саховат айёми

Қарор ва ижро

Ёши улуг, ижтимоий кўмакка муҳтож кишиларга меҳр-мурувват кўрсатиш, уларнинг ҳолидан хабар олиш, уй-рўзғор юмушларида кўмаклашиш, кўни-кўшнилар билан ўзаро ҳамжиҳатлик, аҳилликда яшаш қон-қонимизга сингиб кетган миллий қадриятларимиздандир. Истиқлол йилларида халқимизнинг бу фазилати янгича маъно-мазмун билан бойиб бормоқда.

Бу жиҳатлар шу йил 15 октябрь куни мамлакатимизда кенг нишонланадиган Қурбон ҳайити байрами арафасида ўзининг янада яққол

ифодасини топмоқда. Президентимизнинг 2013 йил 8 октябрда қабул қилинган «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарори миллий-

диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жамиятимизда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллатлар ўртасидаги тотувлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, ибратли анъана ва қадриятларни асраб-авайлаш, ривожлантиришга оид эзгу ишлар қўла-ми тобора кенгаймоқда.

4

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш



оила фаровонлигига хизмат қилади

3

«Мақсадимиз — жаҳоннинг энг кучли тўрт жамоаси сафидан жой олиш»

Шу йилнинг 17 октябрь — 8 ноябрь кунлари Бирлашган Араб Амирликларида футбол бўйича ўсмирлар (U-17) ўрта-сида навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

4

«Обуна — 2014»

150 нафар

шифокор обуна бўлди

Туманимизда 35 та кишлоқ врачлик пункти, 3 та поликлиника, 6 та шифона аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида хизмат кўрсатиб келмоқда. Тиббиёт ходимлари ҳар йили «Ўзбекистон овози»га катта қизиқиш билан обуна бўлади. Чунки, бу газетани тиббиёт соҳасидаги ютуқлар, фидойий шифокор ва ҳамширалар ҳақида, аҳолининг тиббий маданиятини оширишга қаратилган мақолалар изчил ёритиб келинади. Айни кунларда бирлашмамиз тасарруфидаги тиббиёт масканларидаги 120 нафар шифокор ушбу нашрни мунтазам олаётган бўлса, келгуси йил учун эса 150 ҳамкасбимиз ўз ташаббуси билан обуна бўлди.

Маълумки, аҳоли соғлигини асрашда атроф-муҳит муҳофазаси муҳим ўрин тутади. Бу борада «Ўзбекистон овози»да қатор мақолалар чоп этилди. Жумладан, Тожикистон алюминий заводидан тарқалаётган захарли туғун вилоятнинг Денов, Сарисой, Узун ва бошқа туманлари аҳолиси ҳамда табиат оламига жиддий эиён етказиётгани хусусидаги мақолалар бизга маъқул бўлди.

Шу ўринда бир тақдиримиз бор. Газетани тиббий маданият билан боғлиқ руҳан ташкил этилса, шифокорлар томонидан кўпчиликни қизиқтирадиган масалалар бериб берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Юнус ЎРОҚОВ,
Денов туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

Жисмоний ва юридик шахслар:

МУРОЖААТ
ЭТИШ ТАРТИБИ
ТАКОМИЛЛАШМОҚДА



Ўзбекистон Халқ демократик партияси

тизимда электорат манфаатларини **ҳимоя** қилиш, улар муаммоларини ўрганиш мақсадида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналарига ўтган йил давомида **8 мингга** яқин **мурожаат** тушган. Уларнинг **72 фоизидан** кўпроғи халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари, тегишли идора ва ташкилотлар кўмагида ҳал этилган. Қолган қисмига эса экспертлар томонидан ҳуқуқий маслаҳат берилиб, йўл-йўриқ кўрсатилган.

«ЎЗБЕКISTON OVOZI» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220



Фракция йиғилиши тафсилотлари билан газетамизнинг кейинги сонларидан бирида танишишингиз мумкин.

Навоий вилояти:

БУНЁДКОРЛИК ВА ОБОДЛИК ФАСЛИ

КЕЧАГИ ЭРТАК —
БУГУНГИ ВОКЕЛИК

ХАЛК
ДЕПУТАТ-
ЛАРИ ВИ-
ЛОЯТ КЕН-
ГАШИДАГИ
ЎзХДП
ДЕПУТАТ-
ЛИК ГУРУ-
ХИНИНГ
14 НАФАР
АЪЗОСИ,
ТУМАН ВА
ШАХАР
КЕНГАШ-
ЛАРИДАГИ
109 НАФАР
ДЕПУТАТИ
АХОЛИ-
НИНГ КАМ
ТАЪМИН-
ЛАНГАН,
ИЖТИМОЙ
ХИМОЯГА
МУХТОЖ
КАТЛА-
МИНИ
ҚўЛЛАБ-
ҚУВВАТ-
ЛАШ МАСА-
ЛАСИГА
АЛОХИДА
ЭЪТИБОР
КАРАТИБ
КЕЛМОҚДА.

Работи Малик бир пайтлар Буюк ипак йўлидаги савдо кўналғаси, мағрибу-машриқ савдогарларининг кўнгилтортар бозори бўлган. Бугун эса бу маскан нафақат гарбу шарк, балки етти иқлим тадбиркорлари, ишлаб чиқарувчилари марказига айланди, десак, асло хато бўлмайди. Работи Маликнинг шундоққина биқинида — Малик чўлда Юртбошимизнинг 2008 йил 2 декабрдаги Фармони билан ташкил этилган «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона яратилган шарт-шароити, қўлай инвестиция муҳити билан тезда хоржик инвесторларнинг эътиборини тортди. Навоий халқро аэропортга пайдар-пай қўнаётган ҳаво кемалари кенжа вилоятни дунёнинг йирик шаҳарлари билан боғламоқда. Қадим Работи Маликнинг бугунги давомчиси — «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонадаги янги корхоналар ва қўлай имкониятлар нафақат Навоий вилоятининг, шунингдек, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг ошишига хизмат қилмоқда.

Фаолият қўлами тобора кенгайиб бораётган ушбу ҳудудда қисқа вақт ичида 12 та янги корхона қўрилиб, фойдаланишга топширилди. Уларда жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган 70 турдан ортиқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Биргина ўтган йилда 80 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу корхоналарда 600 га яқин маҳаллий ёшлар меҳнат қилмоқда. Қувонарлиси, уларнинг аксарияти касб-хунара коллежларини битирган ўғил-қизлардир. 2015 йилга қадар ҳудудда умумий қиймати 270 миллион АҚШ долларлиги яна 24 та лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш режалаштирилган. Бу вазибалар бажарилган, яна минглаб янги иш ўринлари очилади. Шу кунларда эса мобил ва стационар телефонлар, аккумулятор симлари, автомобиллар учун газ баллонлари, планшет компьютерлар, моделлар ва интернет учун қўшимча мосламалар ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар амалга ошириляпти.

Эътибор беринг-а, бир пайтлар компьютерни четдан олиб келиш бир олам орзу бўлган эди, бугунга келиб, унинг қўлай шакли бўл-

ган планшетлар ўзимизда — Навоийда ишлаб чиқарилади! Юксак интеллект талаб қиладиган ишлаб чиқариш мосламаларини ҳам ясайдиганлар ўзимизнинг одамлар. «Қуш урса қаноти, одам юрса оёғи қуяди», дея таърифланган Малик чўл бугун чет эл инвесторларини чорламоқда, дунё эътиборини тортаяпти. Навоий аэропортдан кўтарилаётган самолётлар дунёнинг турли бурчакларига йўл олмақда. Кеча эртақдек туюлган орзулар бугун воқеликка айланаётгани тўғрисида жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Бундай ютуқларнинг бош манбаи Мустақиллик эканини бугун ҳамма яхши билади. Айни чоғда Навоий вилоятида амалга оширилган ва оширилаётган тарихий бунёдкорликлар, бекиёс ўзгаришлар ҳақида бундан илгиримда икки йил олдин биров гапирса, ким ҳам ишонарди.

ВИЛОЯТНИНГ
АСОСИЙ БОЙЛИГИ

Вилоятда мустақилликнинг дастлабки йилларида саноат корхоналари 110 та эди, бугунга келиб улар сони 13 баробарга ошди. Шунга мос равишда иш ўрни ҳам яратилди. Корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури илгари 46 тани ташкил қилган бўлса, ҳозирда 1385 та саноат корхонасида ҳам 300 турдаги маҳсулот тайёрланмоқда. Улардан 100 турга яқини тайёр маҳсулот ҳисобланади. Жорий йилнинг ўтган 6 ойида янги ҳудудий маҳсулот 2,3 фоизга ўсди. Ўтган йилда иқтисодийта жами қиритилган капитал қўйилмалар ҳажми 732,6 миллиард сўмни ташкил этиб, бу борадаги кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,7 фоизга ўсди. Биргина саноат йўналишида 94 та корхона ташкил қилинган.

Навоий том маънода индустриал ҳудуд, саноат салоҳияти юксак вилоятга айланди. Мамлакатимизда тайёрланаётган рангли ва қимматбаҳо металлнинг 73 фоизи, уран ва фосфоритнинг 100 фоизи ушбу ҳудуд ҳиссасига тўғри келади. «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси, «Қизилқумцemente», «Навоий иссиқлик энергияси станцияси» ва «Навоийазот» ОАЖ, «Электромех» заводи» ЕАЖ син-

гари йирик корхоналар нафақат мамлакатимизда, қолаверса, чет эл мамлакатларида ҳам машҳур. Мурунгов кончилик комплекси эса олтин ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчилардан ҳисобланади. Вилоят қумуш, вольфрам, уран каби қимматбаҳо қазилмаларга эга. Нитрон толаси, цемент ва бошқа қурилиш материаллари, минерал ўғитлар ва ўсимлик зараркундаларига қарши кимёвий воситалар сингари камёб ва жаҳон бозорида харидорнинг маҳсулотлар ҳам воҳода ишлаб чиқаришмоқда.

— Президентимиз Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги унинг меҳнатсевар халқи эканлигини кўп бор таъкидлаган, — дейди вилоят «Маҳалла» хайрия жамоат фонди раиси, ЎзХДП фаоли Нормурод Исоқов. — Дарҳақиқат, Навоий вилоятининг ҳам асосий бойлиги бу ерда тинч-тотув яшаётган, унинг бугунги қиёфасини яратётган кўп миллатли аҳолиси ҳисобланади. Айниқса, навоийлик ёшларнинг фан, санъат ва спортдаги ютуқлари билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Дунёдаги йирик корхоналардан ҳисобланган заводларнинг мураккаб дастгоҳ, ускуна ва мувратларини ўзимизнинг йигит-қизлар бошқармоқда. Эркин иқтисодий зонадаги корхоналарда замонавий, рақобатбардор маҳсулотларни ишлаб чиқараётганлар ҳам ўзимизнинг фарзандларимиз. Вилоятимиз салоҳияти ва эртанги кунни шуларга қараб ўлчанади-да.

Биз ёшларга бугунги имкониятлар нимадир эвазига бўлаётганини, ҳозирги тараққиёт фасли қандай меҳнат ва машаққатлар ортдан келганлигини тушунириб бораёямиз. Навоий бобомиз ўз асарларида инсон умрини фаслларга бўлиб тушунтирадилар. Бугун Ўзбекистонимизда бунёдкорлик ва ободлик фасли, ҳар бири — қурувчимиз, яратувчимиз. Бугунги тарихий кунларда юртимиз ободлиги учун ҳеч бўлмаса бир гишт қўйиш ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиз ҳисобланади.

ҲАР КИМГА ИШ ЎРНИ,
ҲАР КИМГА ФАРОВОНЛИК

Жорий йилнинг ўтган 6 ойида вилоятда янги ҳудудий маҳсулот 2,3 фоизга ўсган. Ўртача ойлик

иш ҳақи 1119,6 минг сўмни ташкил этган. Вилоят бўйича 2013 йилда барча йўналишларда 40849 та иш ўрни ташкил этиш белгиланган. Йилнинг январь-август ойлари мобайнида Дастур бўйича барча йўналишларда 28963 та иш ўринлари яратилди ҳамда Дастурнинг 8 ойлик кўрсаткичлари 103,7 фоизга ушладилар. Яратилган иш ўринларининг 21484 таси (74,1 фоизи) қишлоқ жойларида ташкил этилди. Иш ўринлари янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш, тиклаш, кичик корхоналар ва микрофирмаларни йўлга қўйиш, яқка тартибдаги тадбиркорлиқни ривожлантириш, касаначиликнинг барча шакллари йўлга қўйиш, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобига амалга оширилди.

Касб-хунара коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 7,7 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилиши 1468 нафар коллеж битирувчисининг ўз тадбиркорлигини йўлга қўйишига амалий кўмак берди.

— Вилоят аҳолиси, хусусан, ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида 24 мартаба бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилди ва уларда 1570 нафарга яқин фуқарога доимий ишга жойлаштириш учун йўлнамалар берилди, — дейди вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Ҳамид Жумаев. — Йил якунига қадар яна шундай бўш иш ўринлари ярмаркаларининг 18 таси ўтказилиши режалаштирилган. Улар орқали фуқаролар ўзларига муносиб иш топадилар.

ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ,
РАВОН ЙЎЛ, ЗАМОНАВИЙ УЙ

Истиқлолимизнинг 22-йиллик тантаналари арафасида 435 та ишлаб чиқариш, 670 та хизмат кўрсатиш объекти ишга тушиши, шунингдек, шаҳар марказида 124 оилага мўлжалланган кўп қаватли уй-жойларнинг ўз эгаларига топширилиши аҳоли учун ҳақиқий байрам тўғрисида бўлди. Вилоятда аҳоли ҳаётини фаровонлаштириш мақсадида табиий газ, ичимлик суви таъминотини янада яхшилаш, янги уй-жойлар барпо этиш, кўча ва йўлларни обод қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина жорий йилда маҳсул дастурлар асосида вилоятнинг олис овул ва қишлоқларида 1431 километр электр, 300 километрга яқин сув, 55,4 километр газ тармоқлари ва 47 километр автомобиль йўллари фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Осиё тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан вилоятнинг Қизилтепа, Қонимех, Кармана, Навбахор ва Хатирчи туманларида умумий қиймати 19,9 миллион АҚШ долларига тенг бўлган сув тармоқлари барпо этилиб, мазкур ҳудудларнинг 70 мингдан ортиқ аҳолиси сифатли сув таъминотидан баҳраманд бўлди.

Шавкатжон ва Дилмуродларнинг иккаласи ҳам олий маълумотли. «Обод турмуш йили» уларнинг хотирасида бир умр муҳрланган қилини табиий. Чунки улар шу йилда ўғил бўлишди, яқинда эса «Байхо» массивида қад ростлаган «Президент уйлари»дан бирига кўчиб ўтишди.

— Юртбошимиз ташаббуси билан қўрилаётган уй-жойларни кўриб ҳавасман келарди. Шундай юркам ва файзли уйларида биз ҳам яшасан эди, деб кўп ният қилганман, — дейди Дилмурод. — Ниҳоят, орзумга етдим, тўрт хонали уй олди. Шу хонадонда ўғлим Файратбекни қимол инсон қилиб вояга етказаман, худо хоҳласа, тўйлар қиламан.

Жорий йил вилоятнинг қишлоқ ҳудудларидаги 19 та массивда 600 та намунавий лойиҳа асосидаги уй-жойларнинг фойдаланишга топширилиши шунча хонадонга бахт ва қувонч олиб келди.

БОЗОР МЎЛЛИГИ ВА
ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ

Дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари танқислиги оқибатида нарх-навоининг муттасил ошиб бораётгани кузатишмоқда. Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш, хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжини қондириш ва бозорлардаги нарх-наво кўтарилиб кетишининг олдини олишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар қўрил-

моқда. Бунинг натижасини қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ютуқлар ҳамда бозорлардаги нарх-наво мувозанатида кўриб-билиб туришимиз.

Вилоятда жорий йилда 219,2 минг тонна галла етиштирилди. Ҳосилдорлик ўртача 55 центнерни ташкил қилди. Бу ўтган йилга нисбатан 5,0 центнерга ошди, дегани. Истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш орқали ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш мақсадида жами 36,8 минг тонна картошка, 38,0 минг тонна сабзавот, 24,5 минг тонна мева ва 4,8 минг тонна полиз маҳсулотлари етиштирилди. Натижада вилоят аҳоли дастурхони ноз-неъматга тўлиқ бўлди.

Гўшт етиштириш 8,6 фоизга, сут 6,2 фоизга ва тухум 8,4 фоизга кўпайди. Айниқса, вилоятда гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш мақсадида сўғи 4 йилда сезиларли ошди. Тўрт йил аввалгига қараганда гўштни қайта ишлаш 5,6 фоиз ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш эса 11,3 фоизга кўпайганлигини алоҳида айтиш жоиз.

Озиқ-овқат хавфсизлиги ҳамда бозорлардаги тўқинлик ижтимоий барқарорлик, тинчлик-хотир-жамлик ва умумий хавфсизлигининг мезони эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

ИЖТИМОЙ ХИМОЯ,
ЎзХДП ЭЛЕКТОРАТИ
МАНФААТИ

Навоий вилоятида 17 мингдан зиёд ЎзХДП аъзоси 439 та бошланғич партия ташкилотига бирлашган ҳолда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, электротар манфаатларини ҳимоялаш каби ишларда фаол иштирок этиб

келмоқда. Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳининг 14 нафар аъзоси, туман ва шаҳар Кенгашидаги 109 нафар депутати аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами кўлаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда.

— Депутатлик гуруҳларимиз томонидан, айниқса, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, шунингдек, янги иш ўринлари ташкил қилиш ва бандлик масалаларига алоҳида аҳамият берилаяпти, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Тошнўз Боймуродов. — Партия Сайловолди дастурида белгиланган вазибалардан келиб чиққан ҳолда жорий йилнинг ўтган олти ойида депутатларимиз томонидан доимий комиссиялар ва маҳаллий Кенгашлар сессиялари муҳокамасига аҳоли ва электротаримиз манфаати билан боғлиқ муҳим ва долзарб масалалар кири-тилди.

Хусусан, Навоий шахрида касб-хунара таълим муассасалари битирувчилари учун янги иш ўринлари яратиш ва бўшаётган иш жойларини захирага олишининг манзилли рўйхатлари ва тармоқли жадалли назоратини амалга ошириш, Қизилтепа туманида Ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳудудий дастурларни бажариш доирасида ички истеъмол бозорини маҳаллий маҳсулотлар билан тўлдириш даражасини ошириш бўйича тақлифлар кири-тишга доир масалалар муҳокама қилинди.



— Аҳоли билан ишлаш, уларни беэзота қилаётган масалалар билан шуғулланишда партияимиз томонидан ташкил қилинган Жамоатчилик қабулхоналарининг алоҳида ўрни бор, — дейди ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши раиси Шерали Умаров. — ЎзХДПнинг вилоятдаги Жамоатчилик қабулхоналарига жорий йилнинг олти ойи мобайнида коммунал тўловларни амалга оширишдаги тушунмовчиликлар, пенсия таъминоти, бандлик ва қишлоқ жойларида ер участкалари ажратиш билан боғлиқ 160 та мунозаат келиб тушган ва уларнинг 72 фоизи ижобий ечим топган.

— Мен анча вақт ўзимга муносиб иш тополмай юрдим. Шунда бир танишим ЎзХДПнинг Жамоатчилик қабулхонасига мунозаат этишимни маслаҳат берди. Шундан сўнг мен ЎзХДП Нурота туман кенгашидаги қабулхонага мунозаат қилдим, — дейди Нурота туманида истиқомат қилувчи фуқаро Шоҳида Жўрақуллова. — Натижада уларнинг кўмаги билан туманимиздаги «Нурота текстиль» корхонасига ишга жойлашдим. Бугун ҳам оиламга, ҳам жамиятга нафим тегаётганидан

хурсандман. Навоий вилоятидаги партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари раҳбарлари билан шуғулланишда иш ўринлари ташкил этиш, ёшлар бандлигини таъминлаш, қишлоқ жойларида замонавий инфратузилмани шакллантириш билан боғлиқ масалаларда ҳудудлар бўйича қўшимча тақлифлар ишлаб чиқилаётгани, шунингдек, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишга қаратилган ранг-баранг тадбирлар мунтазам ўтказилишини таъкидлашди. Юқоридаги каби ўзгариш ва бунёдкорлик ишларининг бош асоси юртимиздаги тинчлик ва тотувлик ҳисобланади, албатта. Меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, келажакка ишонч, яратувчилик туйғуси кучли юртда тараққиёт ва ривожланиш бардавом бўлади. Бунинг нечоғлиқ ҳақиқат эканлигини бугун ҳар бир навоийлик ўз маҳалласи, шаҳри ва тумани мисолида ҳис қилиб яшамоқда.

Акбар ЖОНУЗОҚОВ,
Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбирлари.



ЎзА ва Жумамурод МИРЗАЕВ оған суратлар.

Академик Алибек
РУСТАМОВ

Ўзбекистон илм-фани оғир жудолликка учради. Атоқли тилшунос ва адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, академик Алибек Рустамов 82 ёшида вафот этди.

А.Рустамов 1931 йили Тошкент вилоятида хизматчи оиласида туғилди. 1955 йилда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг филология факультетини тамомлади.

Бўлғуси олим ўз меҳнат фаолиятини 1955 йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтини илмий ходим сифатида бошлади, дастлаб номзодлик, кейинчалик эса докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ўзбек тили ва адабиётини ҳар томонлама ўрганиш ва тадқиқ этиш борасидаги илмий фаолияти учун 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

А.Рустамов ўзининг қарийб 60 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг илмий котиби, Ўзбекистон Миллий университети доценти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамда Тошкент давлат шарқшунос-лик институтининг кафедра мудири ва профессори каби вазифаларда самарали меҳнат қилиб, илм-фанимизни ривожлантириш, юксак маънавият филолог кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди.

Таниқли олимнинг ўзбек филологияси, шарқшунос-лик, матншунослик ва таржиманшуносликнинг долзарб масалаларига оид монография ва рисоалари, кўплаб илмий-публицистик мақоалари кенг жамоатчиликка



яхши маълум. Айниқса, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг бебаҳо меросини чуқур ўрганиш, унинг ижодидаги юксак гуманистик ғояларни эл-юртимиз ўртасида кенг тарғиб этиш борасида А.Рустамовнинг хизматлари алоҳида эътиборга лойиқ. Устоз олим қаламига мансуб «Навоий тилининг грамматик хусусиятлари», «Навоийнинг бадиий маҳорати», «Сўз ҳақида сўз» сингари китоблар, оммавий ахборот воситаларидаги кўплаб маърифий чарилари ўзининг илмий тиражлари ва таъсирчанлиги билан ажралиб туради.

Ёрқин истеъдод ва тафаккур эгаси бўлган заҳматкаш олим ўз фаолияти мобайнида кўплаб ёшларга устозлик қилди. Унинг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан докторлари ва фан номзодлари тайёрланди.

Академик А.Рустамовнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланган эди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Алибек Рустамовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУҲАМЕДОВА,
Ш.МИРЗИЁЕВ, Ш.СОЛИХОВ, Ғ.АБДУРАҲМОНОВ

Ўзбекистон
пахтасига талаб
ортмоқда

«Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертифицикатлаш маркази бош директорининг биринчи ўринбосари Э.Мақсудовнинг сўзларига кўра, пахта тояларини синовдан ўтказишни сертифицикатлаш жараёни толаннинг барча хусусиятларини аниқлашга ёрдам берадиган замонавий усул — НВИ тизимидан фойдаланишга асосланган. Бу агротехника қоидаларини яхшилаш ва янги селекция навларини жорий этиш билан бир қаторда, узунлиги бир хил ва тўқимачилик тармоғида талаб юқори бўлган тўртинчи тип пахта толаси улушининг узлуksиз ошишига кўмаклашмоқда. Масалан, 2011-2012 йилларда олинган ҳосил натижалари таққосланадиган бўлса, тўртинчи тип пахта толасининг улуши 77,6 фоиздан 80,8 фоизга ошганига ишонч қилиш мумкин.

Сўнгги йиллардаги пахта мавсумида пахтанинг 1-навлари ҳамда «олий» ва «яхши» синфлари улушини оширишда барқарор кўрсаткич кузатишмоқда ва сақланмоқда. 2012 йил мавсуми якунларига кўра, умумий ҳажмда пахтанинг олий синфлари улуши 84 фоиздан ошди. Хоразм, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида етиштирилган жами пахта толасининг 95 фоиздан зиёдини «олий» ва «яхши» синфлар ташкил қилади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, селекция навлари хусусиятларининг мунтазам яхшиланиб бораётгани бир қанча кўрсаткичлар бўйича етиштирилган пахта толаси сифатига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Масалан, «Бухоро-8», «Омад»,

«Андижон-36», «Бухоро-102» навларининг толаси узун. «Наманган-34», «С-2610», «С-6524», «Бухоро-8», «Бухоро-6», «Бухоро-102» навлари пишқилиги, «Бухоро-8», «Бухоро-6», «Бухоро-102», «Омад», «Султон», «Келажак» навлари микронейр кўрсаткичлари, «Наманган-34», «С-2610», «Наманган-77», «С-6524», «Андижон-36», «Бухоро-6», «Бухоро-8» навлари толаси узунлигининг бир хиллиги билан ажралиб туради.

Пахтанинг оқлиги ҳам унинг муҳим кўрсаткичларидан биридир. «С-6541», «Учқўрғон-2», «Наманган-34», «Хоразм-127», «Хоразм-150», «Меҳнат» ва бошқа навлар шундай хусусиятга эга. Уларнинг ҳаммаси IX Халқаро ўзбек пахта ва тўқимачилик ярмаркасида намойиш этилади. Ушбу пахта навларининг сифат кўрсаткичлари билан «Сифат» марказида батафсил танишиш мумкин.

Яна шуни таъкидлаш кераки, Ўзбекистонда жаҳон бозорига Ўзбек пахтасининг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида пахта толасини сертифицикатлаш бўйича миллий тизим тақомиллаштирилмоқда. Жорий йилда «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертифицикатлаш марказини 2013-2017 йилларда модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастури қабул қилинди. Дастур синов усуллари ва ёрламчи қурилмалар паркинги модернизация қилиш, пахта толаси сифатини баҳолаш учун НВИ тизимлари паркинги технологик қайта жиҳозлаш ҳамда ахборот тармоқлари ва технологияларини ривожлантириш йўналишлари бўйича амалга оширилади.

М.МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири.

Аҳолини УЙ-ЖОЙ
билан таъминлаш

Миллий матбуот марказида

оила
фаровонлигига
хизмат қилади

Республика Марказий банки томонидан «Ипотека кредити: аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида амалга ошириладиган ишлар ва иштирокчи вазибалар» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда Республика Марказий банкининг кредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш ва тартибга солиш департаменти директори Ботир Зарипов, «Ипотекабанк» бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Равшан Бахромова, «Қишлоқ-қурилиш» банки бошқаруви раисининг ўринбосари Алишер Муродов ва бошқалар иштирок этди.

— Мамлакатимизда аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш, ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида янги уй-жойлар барпо этишмоқда, қишлоқ инфратузилмасини янада ривожлантиришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг бир қатор фармон ва қарорлари ушбу йўналишдаги ишлар қўламини кенгайтириш, аҳолини замонавий турар-жойлар билан таъминлашдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда, — дейди Республика Марказий банкининг кредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш ва тартибга солиш департаменти директори Ботир Зарипов. — «Обод турмуш йили» Давлат дастурига мувофиқ тижорат банк-

ларининг маблағлари эвазига ҳудудларда 105 та кўп қаватли турар-жой биноси қурилиши давом эттирилмоқда. 2013-2015 йилларда фойдаланишга топшириладиган ушбу уй-жойлар ипотека кредитлари воситасида 3 йиллик имтиёзли давр билан 5,5% ставкаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда ёш оила-

Жорий йилда 353 та қишлоқ массиви ҳудудига 1,4 миллион квадрат метр бўлган 10 мингта уй-жой қуриш кўзда тутилган. Бунинг учун банклар томонидан 1 триллион 385 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратиш режалаштирилган.

ларга тақдим этилади. Шунингдек, ипотека кредитидан фойдаланаётган ёш оилаларнинг даромадларидан солиқ олинмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, аҳолини уй-жой билан таъминлаш мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотлар дастурининг муҳим, ҳал қилувчи қисми ва моҳиятан иқтисодий ислохотларнинг «Ўзбек модели» самарадорлиги ҳамда изчиллигининг амалдаги тасдиғидир.

Шу йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, мамлакатимиз банкларининг ипотека кредитлари қолдиги ҳажми 2 триллион 379 миллиард сўмни ташкил этмоқда. Жорий йилнинг ўтган саккиз ойи давомида ажратилган сарфмат 777 миллиард сўм миқдоридан банк кредитлари эвазига миқдор янги уй-жой қуриш, харид қилиш ва қайта таъмирлаш имконига эга бўлди.

Бугунги кунда аҳолини замонавий уй-жойлар билан таъминлаш борасида мамла-



Жорий йилда 353 та қишлоқ массиви ҳудудига 1,4 миллион квадрат метр бўлган 10 мингта уй-жой қуриш кўзда тутилган. Бунинг учун банклар томонидан 1 триллион 385 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратиш режалаштирилган.

катимизда қўлланиладиган механизм ва тўпланган тажриба шу йил баҳоридида «Замонавий уй-жой қурилиши» қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзусида ўтказилган халқаро конференцияда тажриба эътироф этилди. Жаҳоннинг бошқа давлатлари намуна олса арзигulik экани таъкидланди.

Мамлакатимиз қишлоқ жойларида яқка тартибда уй-жой қуриш комплекс дастурининг амалга ошириладиган оилаларни замонавий, қулай уй-жойлар билан таъминлаш, қишлоқ инфратузилмасини юксалтириш, янги иш ўринларини яратиш, қишлоқ аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаётди. Дастур доирасида 2009-2012 йилларда намунавий лойиҳалар асосида 159 та қишлоқ туманида 650 та янги уй-жой массиви барпо этилди. Умумий майдони 3,2

23,6 мингдан ортиқ яқка тартибдаги уй-жой қурилди. Ушбу мақсадларга 1,2 миллиард АҚШ долларидан зиёд миқдорда инвестициялар йўналтирилди.

Жорий йилда ҳам қишлоқ жойларида уй-жойларни кенг қўламли қуриш ишлари давом эттирилмоқда. 353 та қишлоқ массиви ҳудудига 1,4 миллион квадрат метр бўлган 10 мингта уй-жой қуриш кўзда тутилган. Бунинг учун банклар томонидан 1 триллион 385 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратиш режалаштирилган.

Яна шуни таъкидлаш мумкин, замонавий уй-жойларни ипотека кредити асосида харид қилиш учун одамларга катта қулайлик яратилган. Янги қуриладиган уй-жойларнинг эгаларига банклар томонидан 15 йил муддатга йиллик 7,5% ставка бўйича кредитлар ажратилмоқда. Харидор дастлаб намунавий лойиҳа асосида қурилган уй нархининг 25% миқдори-

даги бошланғич бадал пулини тўлайди ва қурилиш жараёнини назорат қилиб боради. Уй битган, у шахсий мулк сифатида қабул қилиб олинади, газ, сув, электр энергияси ва бошқа муҳандислик тармоқларига ҳеч қандай қўшимча тўловларсиз уланади. Банк кредитлари ҳисобидан яқка тартибда уй-жой қураётган қишлоқ аҳолиси кредитларни қайтариш ва уларнинг устама фоизларини қоплашга йўналтириладиган даромад солиқларини тўлашдан озод этилган. Бундан ташқари, улар сотиб олган уй-жойдаги мулк учун ипотека солиқ маблағ ажратиш режалаштирилган.

Тадбирда журналистларга аҳолини ипотека кредитлари билан таъминлаш учун тижорат банклари ресурслари билан бирга хорижий молия институтларининг маблағларини жалб этиш борасида амалга ошириладиган ишлар хусусида ҳам батафсил маълумот берилди.

Тошмеир Худойкулов,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Самарқанд вилояти
ҳокимлиги инжиниринг
компанияси

2013-2014 йилларда капитал таъмирланиши режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб, фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	Қурилиш муддати
Лот-1	Оқдарё тумани Маданият ва аҳоли дам олиш марказини капитал таъмирлаш	650 862 621 сўм	781 035 146 сўм	6,5 ой
Лот-2	Жомбой тумани Маданият ва аҳоли дам олиш марказини капитал таъмирлаш	542 596 207 сўм	651 115 449 сўм	6 ой
Лот-3	Пайдарик тумани Маданият ва аҳоли дам олиш марказини капитал таъмирлаш	508 157 256 сўм	609 788 708 сўм	6 ой

Қурилиш ишлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.


Буюртмачи: Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Қўқсарой майдони, 1-уй. телефон: (8366) 231-10-93.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги қарорига асосан пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

Талабдор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камиди 20 фоизи миқдоридида айланма маблағнинг мавжудлиги ёки қўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш ишчиликларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қат-



ГОСУДАРСТВЕННОЕ УНИТАРНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ

«TOSHKENT XALQARO AEROPORTI»

объявляет открытый тендер по приобретению:

- ЛОТ № 1 — машина противообледенительной обработки ВС 1-й штуки.
- ЛОТ № 2 — передвижной электроагрегат для питания ВС — 4 штуки.
- ЛОТ № 3 — погрузчик паллет и контейнеров грузоподъемностью не менее 7 тонн — 1 штука.

Максимальный срок поставки техники — 150 дней с момента проведения предоплаты покупателем.

Срок действия предложенной цены должен быть не менее 180 дней. Желаящих принять участие в тендере просим прислать на E-mail: sst.tas@uzairways.com или по факсу 8-10-99871-140-28-48 заявку на получение тендерной документации. Заявка должна быть оформлена на фирменном бланке организации и заверена подписью руководителя и печатью, иметь исходящий номер. К ней должна быть приложена копия платежного поручения о внесении платы за документацию в размере 200 долларов США.

При участии претендента по двум или всем трем Лотам, на каждый Лот представляется отдельная заявка с указанием номера Лота, производится оплата за документы и формируется отдельный пакет с тендерной документацией. Документы тендера высылаются после получения платежного поручения и официальной заявки.

Коммерческие предложения будут приниматься только при наличии в первом конверте платежного поручения о внесении задатка за участие в тендере.

Задаток под участие в тендере составляет:

- ЛОТ № 1 — машина противообледенительной обработки ВС — 8990,00 долларов США.
- ЛОТ № 2 — передвижной электроагрегат — 830,00 долларов США за машину;
- ЛОТ № 3 — погрузчик контейнеров и паллет грузоподъемностью 7 тонн — 3700,00 долларов США

Задаток отечественных участников тендера принимается в национальной валюте по курсу ЦБ Республики Узбекистан на день внесения.

Задатки вносятся на следующие расчетные счета:

- валютный: 22696840300185981059 В ОПЕРУ «Азия Альянс Банк», СВИФТ ASACUZ22;
- сумовый: 22696000400185981002, МФО 01095: В ОПЕРУ «Азия Альянс Банк».

После объявления победителя тендера все залоги будут возвращены за вычетом издержек на проведение банковских операций.

Тендер будет проводиться с 7.10 по 11.11. 2013 г. Прием заявок на пакет тендерных документов будет осуществляться до 21.10. 2013 года.

Приём тендерных предложений завершится в 15.00 Ташкентского времени 11 ноября 2013 г.

Итоговое заседание тендерной комиссии состоится 20 ноября 2013 года.

Указанные сроки в зависимости от обстоятельств могут быть скорректированы.

Дополнительную информацию можно получить по телефонам: +99871-140-29-53 или +99890-187-94-45.



Дилшод НУРАЛИЕВ:

«Мақсадимиз — жаҳоннинг энг кучли тўрт жамоаси сафидан жой олиш»

Шу йилнинг 17 октябрь — 8 ноябрь кунлари Бирлашган Араб Амирликларида футбол бўйича ўсмирлар (U-17) ўртасида наабатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Унда дунёнинг энг сара 24 терма жамоаси волиблик учун кураш олиб боради.

Дилшод Нуралиев бош мураббийлигидаги терма жамоамиз кўрага кўра, жаҳон чемпионати финал босқичининг «С» гуруҳида Хорватия, Марокко, Панама футболчилари билан баҳс ўритади.

Ўсмирларимиз гуруҳдаги дастлабки ўйинни 18 октябрда панамалик тенгқурлари билан ўтказди. Орадан уч кун ўтгач, терма жамоамиз Марокко вакиллари билан учрашди. 24 октябрда бўладиган охириги турда эса Хорватия ўсмирлар терма жамоаси билан куч сынашадилар.

Ёдингизда бўлса, бундан икки йил муқаддам Алексей Евстафеев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси

Мексикада ўтказилган жаҳон чемпионатида кучли саккизликдан жой олган эди. Бу галги мусобақа олдида мухлисларимиз мамлакат ўсмирлар терма жамоасидан янада юқори натижа кутишга татбиқий. Чунки ўтган йили Эронда ўсмирлар (U-16) ўртасида ўтган Осиё чемпионатида Дилшод Нуралиев бош мураббийлигидаги жамоамиз футболчилари билан баҳс ўритади.

Хўш, Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси нуфузли мусобақага қандай ҳозирлик кўрди? Таркибда қандай ўзгаришлар бор? Шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида бош мураббий Дилшод Нуралиев билан суҳбатлашдик.

— Жаҳон чемпионати Осиё биринчилигидан тубдан фарқ қилади, — дея сўз бошлади **Дилшод НУРАЛИЕВ**. — Беш қўтанинг энг кучли терма жамоалари каторида майдонга тушамиз. Бу бизни чўчита олмайди, албатта. Унда

ижобий натижа қайд этиш, мухлисларни қувонтириш учун бор куч-имкониятимизни ишга соламиз. Аввало, шуни таъкидлашни истардимки, мусобақага пухта ҳозирлик кўришимиз учун Ўзбекистон футбол федерацияси Терма жамоалар билан ишлаш маркази томонидан барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Аниқ режа ва дастур асосида шу йилнинг январидан бошлаб бугунгача бир қатор ўқув-машғулоти йиғинлари ташкил этилди. Терма жамоага номзод футболчилар билан нафақат юртимизда, балки Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Австрия, Испания сингари мамлакатлардаги йиғинларда қатнашдик. Кўплаб давлатлар ўсмирлар терма жамоаларига қарши ўртоқлик учрашувларини ўтказдик.

— Яқинда жамоа охириги ўқув-машғулоти йиғинини Испаниянинг Марбелья шаҳрида ўтказиб қайтди. Ўтказилган ўртоқлик учрашувларидан қандай хулосалар чиқарилди?

— Испанияда терма жамоамиз аъзолари билан ўзига хос халқаро «Тўртлар турнири»да иштирок этиб қайтдик. Унда ер курашининг турли минтақаси вакиллари бўлган — Кот-д'Ивуар, Мексика ҳамда Аргентина ўсмирлар терма жамоалари билан ўзаро куч сынашдик. Гарчи, унда Африка қўтаси вакили билан (0:0) дуранг ўйнаб, Мексика (0:2), Аргентина (0:3) футболчиларига имониятни бой берган бўлсак-да, маъмулар мавжудлигини, ўйин тактикасида қандай камчиликларимиз борлигини яна бир бор синовдан ўтказиб олдик. Бундан ташқари, гуруҳимизда Африка, Америка қўтаси вакиллари рақиб эканлигини ҳисобга олсак, уларга қарши қандай ўйнашимиз лозимлиги ҳусусида маълум тасаввур ҳосил қилдик.

— Жаҳон чемпионати олдида терма жамоамиз таркибидан қандай ўзгаришлар бор?

— Осиё чемпионатидан кейин ўтган охириги бир йил давомида мусобақага ҳозирлик кўрдик. Бу даврда таркибда ўзгаришлар бўлиши табиий, албатта. Жумладан, Осиё чемпионати уловини қўлга киритган футболчиларимиз



Хасан ПИРМУХАМЕДОВ олган суратлар.

дан Муҳиддин Одилов ҳамда Улугбек Давлатовлар, афсуски, саломатлиги туфайли жаҳон чемпионатида бора олишмайдилар. Албатта, ўқув-машғулоти йиғинлари чоғида улар ўрнини бошқа номзодлар билан тўлдиршига ҳаракат қилдик.

— Бирлашган Араб Амирликларида бўладиган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси олдида қандай вазифа қўйилган?


— Албатта, ҳар қандай мусобақа олдида жамоа олдида аниқ мақсад қўйилади. Биз жаҳон чемпионатида Осиё чемпионати сифатида ташриф буюрамиз. Шу боис терма жамоамизнинг ҳар бир ўйини барчанинг диққат марказида туради. Бу эса жамоамиз аъзолари зиммасига катта масъулият юклайди. Ўзбе-

кистон футбол федерацияси томонидан аниқ вазифа қўйилган, камиди ярим финалга чиқишимиз керак. Футболчиларимиз нуфузли мусобақада халқимиз ишончини оқлаш, чиройли ўйин намойиш этишга ҳар томонлама шай, деб бемалол айта оламан. 6 октябрда Испаниядан қайтиб келган бўлсак, мана орадан уч кун ўтиб, Тошкентда сўнгги ўқув-машғулоти йиғинини бошладик. Ҳозирда ҳар бир шогирдим кўтаринки кайфият ва ўйинга чанқоклик билан машғулотларда астойдил тер тўкмоқда. Режага кўра, 14 октябрда жаҳон чемпионатида қатнашиш учун Бирлашган Араб Амирликларига жўнаб кетамиз.

Эркин ХОЛБОБО
суҳбатлашди.

Футбол

Фаррух Дўстов — кейинги босқичда!



Теннис

Эътиборли томони, айтиш мумкин, мусобақанинг асосий тур учрашувларида ўттиз икки нафар тен-

Умумий мукофот жамғармаси 125000 АҚШ долларини ташкил этувчи маъмулар мавжудлиги дунёнинг Италия, Тунис, Украина, Россия, Словакия, Молдова, Хитой-Тайпей, Беларусь, Исроил сингари йиғирмага яқин давлатлардан келган ракетка усталари волиблик учун кортга чиқяпти.

нисчи баҳсларни бошлаган бўлса, бунгача саралаш учрашувларида ўттиздан зиёд ракеткачи улар қаторида ўйнаш учун икки йўлланма тақдирини ҳал этдилар. Унда ўн нафардан ортиқ ёш спортчимиз ўз маҳоратини кўришдан ўтказди. Ҳозирда ITF (Халқаро теннис федерацияси) таснифда кучли юзталикдан жой олган Лукаш Лачко (Словакия), Евгений Донской (Россия), Дуди Села (Исроил), Сергей Стаховский (Украина) каби теннисчилар билан ёнма-ён кортга чиқиш умидли ёшларимиз учун катта маҳорат мактаби бўлади.

— Мусобақанинг асосий тур баҳсларида мутахассисларимиз мамлакатимизнинг етакчи ракеткачиси Фаррух Дўстов билан биргаликда бир қатор ёшларга ишонч билдирган, — дейди Ўзбекистон теннис федерацияси раиси Мухторжон

Раҳимов. — Улар орасида Санжар Файзиев, Шонимат Шойфайзиев, Жўрабек Каримов, Темура Исмоилов каби келажакдаги порлоқ ракеткачиларнинг борлиги бизни жуда қувонтиради. Бу ёшлардан умидимиз катта. Уларнинг тахриба ва маҳорати ортишида эса «Челленжер» халқаро турнири муҳим ўрин тутди.

Мусобақанинг яққалик учрашувлари дастлабки босқичда мухлислар ҳамюртимиз Фаррух Дўстов ҳамда италиялик Лоренцо Густино баҳсининг гувоҳи бўлдилар. Қарийб икки соат давом этган маъмулар учрашувада Фаррух рақибини мағлубиятга учратди — 7/6 (4), 6/7 (0), 6/4. Энди истеъдодли теннисчимиз чорак финал йўлланмаси учун Стефан Роберт (Франция) га қарши кортга чиқади.

Жуфтлик учрашувлари ҳам кескин ва шиддатли давом этмоқда. Баҳсларнинг дастлабки босқичида Фаррух Дўстов ҳамда тунислик Малик Жазирий «дўсти» Владимир Игнатик (Белорусь) — Лукаш Лачко (Словакия) жуфтлигини доғда қолдирди — 4/6, 7/6 (6), 10/8.

Мусобақа давом этмоқда.

Самандар БОБОРАЖАБОВ

Эфирдаги ...«СОВЧИЛИК»

Мулоҳаза

Мустақиллик йилларида ОАВнинг хусусий тармоғи кенг ривожланди. Аҳолида ахборот манбасини танлаш, солиштириш имконияти кенгайди. Айниқса, нодавлат ва хусусий телеканаллар тез ривожланмоқда. Уларда яхши, қизиқарли кўрсатувлар оз эмас. Лекин...

Хоразмда «S-Ikbol» хусусий телевидениеси анча йиллардан буён воҳа ахлига хизмат кўрсатиб келмоқда. Ушбу каналда кунига беш-ун дақиқа маҳаллий доирадаги ахборотлар, турли мавзулардаги кўрсатувлар эфирга узатилади. Аксар вақт эса экран қўшиқчилардан бўшамайди. Аммо ҳозир гап бу ҳақда эмас (бу борада кўп ёзилди...), балки халқимиз дидига ёт, миллий қадриятларимизга зид бўлган эълонлар тўғрисида мулоҳаза юритмоқчимиз.

Эфирда бир қўшиқчининг клипи кетмоқда. Экран тағида эса «SMS-лар орқали келадиган эълонларнинг кети узилмайди. «Иқбол, омад! Хивалик гўзал қизлар билан танишаман...», «96, 97-йил туғилган қизларга салом». Яна ўша гўзал қизлар билан танишмоқ ҳавасида бўлган йигитларнинг уяли телефон рақамлари ҳам берилди. Энг ачинарлиси, йигитлар билан танишмоқ истагида бўлган қизларнинг «SMS-лари ҳам оз эмас — «35-40 яшар йигитларга салом».

Воҳага қўшни Қорақалпоғистон Республикасининг Тўртқўл шаҳрида фаолият юритаётган «ТТВ» хусусий канали кўрсатувларида ҳам шу ҳолат: «Хазораспик мўччи қизлар билан танишаман!».

Ана, ҳоло! Миллионлар минбари бўлган телеканаллар қачондан буён «совчилик»ни касб қилиб олди экан! Бу бизнинг ахлоқ-одоб меъёрларимизга қанчалик мос келади? Умуман, «SMS-лар нимага хизмат қилади?

Биз ўзимиз доим кўриб бораётган хусусий телеканаллардан айрим мисолларни келтирдик, ҳоло. Эҳтимол, бундай ҳаёсиз «эълон»лар бошқа вилоятлардаги хусусий телеканалларда ҳам берилмаётгандир.

Тўғри, баъзи хориж каналларида ана шундай мазмундаги «SMS-лар бериб борилади. Улардан айримларини ҳатто айтишга ҳам уялсан киши. Аммо кўр-кўрона қимданган андаза олишга уриниш, қаёққа бошлайётганини билмай туриб, кимнингдир ортидан эргашиш эртага қандай оқибатларга олиб келиши мумкин? Енгил-елли, ҳаёсиз ҳар қандай гап-сўз, лавҳа, кўрсатув ёшлар тарбиясини бузишдан бошқа нарсасига хизмат қилмайди.

Бундай ҳолатларга бепарво қараш эртага қимматга тушмайди! Ахир ҳаммамизнинг оиламиз, фарзандларимиз бор, ҳаёсиз «эълон»лар 12-14 ёшли болалар, ўсмирлар руҳиятига қандай таъсир кўрсатишини ўйлаб кўрайлик...

Ҳар бир телеканал учун кўрсатувларни қизиқарли қилишан деса, мавзу етарли. Лекин ўзи нима қилишини билмаган одам биронинг кетидан эргашиши, биронинг гапини гапиради. Бизнингча, юқорида номлари келтирилган хусусий телеканаллар «совчилик»ни бир четга йиғиштириб қўйиб, юрғат, ҳаёсизга бироз бўлса-да фойдаси тегадиган ишлар билан шуғулланса, обрў топади, деб ўйлаймиз.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Меҳр-оқибат, аҳиллик ва саховат айёми

Қарор ва ижро

Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманидаги «Оқлон» маҳалла фуқаролар йиғинида беш минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ҳайру саховат маҳалла ободлиги, файзи ва аҳиллигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Жорий йил бошидан буён маъмулар мавжудлиги йўқотган, серфарзанд, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила-ларга 6,5 миллион сўмлик моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Маҳалла кўмаги билан имконияти чекланган кишилар, қарияларнинг электр, газ, совуқ сув каби коммунал тўловларидан қарздорлиги қопланиб, уларга зарур дори-дармон, тиббий-ортопедик воситалар, рўзгор буюмлари харид этилди. Айни пайтда юзга яқин оилага маҳаллада моддий ижтимоий кўмак кўрсатилиб келинмоқда.

«Оқлон» маҳалласи ҳудудидаги йиғирмадан ортиқ кўча доим озода, саришта ҳолатда. Кўчаларда анвойи гуллар қийос очилган. Яқинда кўчалар яна бир бор текисланиб, асфальт ётқизилди. Саховатпеша маҳалладошлар, тадбиркорлар кўмагида таъмирлаш ишларига йиғирма миллион сўмлик маблағ сарфланди. Узоқ йиллардан буён эскириб кетган ичимлик сув тармоғининг 600 метрлик қисми янгиланди. Маҳалла ҳудудида 200 туп арча кўчати ўтказилиб, бог барпо этилди.

Кўтулғ айём арасидаги юртимизнинг барча жойида бўлган «Оқлон»да ҳам маҳалла ҳудудини янада тоза ва озода сақлаш, қабристонларда ҳашар ўтказиш, беморлар, ижтимоий кўмакга муҳтож кишилар, мўътабар ёшдаги ота-она ва онахонлар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишга оид ишларга эътибор янада ошган.

Маҳалладаги ҳиммати баянлаб тадбиркорлар томонидан шахримиздаги Меҳрибонлик, Саховат, Муруват уйлари, маъсул мактаб-интернатларга кийим-кечак, кундалик зарур рўзгор буюмларидан иборат совғалар топширилиши кўзда тутилган. Буларнинг бари Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ибратли аъёнларимизнинг бардавонлигини сақлаш, жамиятимиздаги ўзаро меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, саховат ва муруват муҳитини мустаҳкамлаш, ёшларни миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш борасида кўрсатилаётган доимий эътиборнинг амалдаги ёрқин самараларидандир.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетида.)

ОБ-ҲАВО 10-11 — 10. 2013.

Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

+3 / +8 +10 / +15

Бухоро ва Навоий вилоятлари

+3 / +8 +10 / +15

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари

+5 / +10 +16 / +21

Қашқадарь ҳамда Сурхондарё вилоятлари

+7 / +12 +18 / +23

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари

+5 / +10 +16 / +21

Тошкент шаҳри

+5 / +10 +8 / +13

Тошкент автомобиль-йўллар институти томонидан 1989 йилда Бобокўлов Аббасмурод Қурашович номига берилган

РВ 858752 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

Бекор қилинади.

Частное предприятие «Уткир барака омад», зарегистрированное инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства при хокимияте Зангиатинского района Ташкентской области (рег. № 2646 от 26 июля 2010 года, ИНН 301667180, ОКПО 23325035), ликвидировано.

Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления.

Тел: (+998 98) 126-78-68.

МУАССИС:
O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILIOV
Sharbat ABDULLAYEVA

Murodilla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Muslihidin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Faruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamohatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kottibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.

Korxonada nashr: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma tobaq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
Г — 1046
10422
naxxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 20,35
Topshirilgan vaqti — 23.25
Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:
Erkin XOLBOBOYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV
ISSN 2010-7633
7 7 2 0 1 0 7 6 3 3
1 2 3 4